

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING
А Ж Р И М И
№ 3-1-1405-1901/56-2019**

2019 йил декабрь ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси судлов хайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Б.Аликулов, хайъат судьялари М.Тухтаев ва Ф.Негматовлардан иборат таркибда, А.Мирзаеванинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Э.Султанов, судланувчи Т.Т. ва унинг химоячилари - адвокат З.Зубайдуллаева, Ш.Музаффаров, Х.Асанов, О.Каландаровлар, фуқаровий даъвогар А.Усмонов, судланувчи М.Б. ва унинг химоячиси - адвокат А.Исақов, судланувчи Х.Б.нинг химоячиси адвокат Б.Абдуваҳидовларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг 2019 йил 7 октябрдаги ҳукмига кўра,

Т.Т., 1982 йил 25 март куни Булунғур туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, 28.02.2016 йилдан 07.04.2016 йилга қадар АТБ “Микрокредитбанк” Булунғур филиали бошқарувчиси вазифасини вақтинчалик бажарган, АТ Халқ банки Булунғур филиалида Ички назорат бош мутахассиси лвозимида ишлайди, Булунғур тумани “Улуғбек” маҳалласида яшаган, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланмоқда.

М.Б., 1984 йил 09 май куни Булунғур туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам: 1) жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 26.10.2017 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45,59,62-моддаларига асосан, 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил 10 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2) жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг 07.05.2018 йилдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,г” бандлари ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45,57,59 ва 61-моддаларига асосан 2 йил 2 ой муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 2 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, партиясиз, депутат эмас, Булунғур тумани “Небуса” маҳалласида яшаган, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланмоқда.

Х.Б., 1984 йил 24 апрель куни Булунғур туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, 2014 йил январь ойдан 2017 йил апрель ойига қадар “Микрокредитбанк” Булунғур филиали бухгалтерия ҳисоби ва молия бўлими бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган, ҳозирги кунда “Артсифат” МЧЖ раҳбари бўлиб ишлайди, Булунғур тумани “Янгиариқ” маҳалласида яшаган, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи Т.Т. ва унинг химоячиси – адвокат З.Зубайдуллаева, Ф.Хушбақов ва унинг химоячиси – адвокат Б.Абдувоҳидов, Б.М. ва унинг химоячиси – адвокат А.Исақовлар томонидан келтирилган апелляция шикоятлари асосида жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Т.Тудимуродов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланувчи.

М.Б. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 2 йил 6 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 2 йил 6 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланувчи.

Х.Б. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланувчи.

Суднинг ҳукмига кўра, Т.Т. 2016 йил 28 февраль кунидан 2016 йил 07 апрель кунига қадар «Микрокредитбанк» АТБ Булунғур филиали бошқарувчиси вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келиб, хизмат вазифасига кўра банкнинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилиш, қўл остидаги ходимларнинг меҳнат ва ижро интизомига риоя қилишларини назорат қилиш, вилоят ва туман раҳбариятининг топшириқларини бажариши, банкнинг кредит сиёсатини олиб бориши, кредит маблағларининг ажратилиши ва ўз вақтида ундирилиши таъминлигини назорат қилиши лозим бўлса-да, мансаб мавқеидан фойдаланиб, жиноий шериклари «Микрокредитбанк» АТБ Булунғур филиали кредитлаш бўлими бошлиғи М.Б. ва «Микрокредитбанк» АТБ Булунғур филиали бухгалтерия ҳисоби ва молия бўлими бош ҳисобчиси Х.Б.лар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, 2015 йил январь ва февраль ойларида «Булунғур Жонхўроз Барака» агрофирмаси номига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун ажратилган 68 миллион 918 минг 125 сўм миқдоридаги имтиёзли кредитнинг 34 миллион 100 минг сўми қопланмаганлигини билгани ҳолда, юқори турувчи идорасидан салбий гап эшитмаслик, сохта обрў орттириши ва ҳисобот кўрсаткичларини яхшилаш учун гўёки кредит қарздорлиги ундирилгандек кўрсатиш мақсадида, 31.03.2016 йилда «Булунғур Жонхўроз Барака» агрофирмаси номига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 34100,0 минг сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилишига эришиб, мазкур кредит маблағларини мавжуд кредит қарздорлиги учун тўлов сифатида банк ҳисоб рақамига тушириб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, Т.Т., Б.М. ва Х.Б.лар ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2015 йил январь ва февраль ойларида «Серқуёш Навоий мевалари» агрофирмаси номига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун ажратилган 94 миллион 632 минг 213 сўм миқдоридаги имтиёзли кредитнинг 49 миллион 150 минг 763 сўм сўми қопланмаганлигини билгани ҳолда, 31.03.2016 йилда «Серқуёш Навоий мевалари» МЧЖ номига 49 миллион 150 минг 763 сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилишига эришиб, мазкур кредит маблағларини мавжуд кредит қарздорлиги учун тўлов сифатида банк ҳисоб рақамига тушириб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, судланувчилар Т.Т., Б.М. Х.Б.лар билан биргаликда, ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, «Булунғур Янгиобод Савдо» МЧЖга 116 миллион сўм ва Булунғур Барака савдо» МЧЖга 30 миллион 659 минг 574 сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилишига эришиб, мазкур кредит маблағларини мавжуд кредит қарздорлиги учун тўлов сифатида банк ҳисоб рақамига тушириб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Шунингдек, жиноий ҳаракатларини фош бўлмаслиги мақсадида, «Булунғур Жонхўроз Барака» агрофирмаси раҳбари Э.Ачиловнинг имзосини Б.М. ва Х.Б.лар томонидан сохталаштиришиб, сохта кредит йиғма жилдини шакллантириб, сохта ҳужжатлар тузишиб, мансаб сохтакорлигини содир этиб, давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлганлар.

Шундай қилиб, Т.Т., Б.М. ва Х.Б.лар давлат иштирокидаги ташкилот мансабдор шахси ҳисобланиб, сохта обрў орттиришда ифодаланган ғаразғўйлик ниятида била туриб, мансаб мавқеини сунистеъмол қилиш йўли билан, ўзига ишониб топширилган ёки ўзининг ихтиёрида бўлган, ўзганинг жуда кўп миқдордаги жами 229 миллион 910 минг 337 сўм бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Х.Б. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Б.Абдувоҳидовлар апелляция шикоятларида, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги учун мазкур айблов қисмини чиқаришни, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандини ЖКнинг 207-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 2016 йил 12 октябрь кuni қабул қилинган амнистия актини қўлаб, жазодан озод қилишини сўраган.

Б.М. ва унинг ҳимоячиси - адвокат А.Исақовлар апелляция шикоятларида, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, ишга алоқадор шахслар дастлабки тергов ва суд мажлисида сўроқ қилинмаганлиги ва уларнинг ҳаракатларига тегишли баҳо берилмаганлиги, унга нисбатан ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми ва 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан қўйилган айбловларни ЖКнинг 207-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва суд залидан озод қилишини сўрашган.

Т.Т. ва унинг ҳимоячиси - адвокат З.Зубайдуллаевлар апелляция шикоятларида, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, Т.Т.нинг айби исботланмаганлиги ва унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги туфайли, оқлов ҳукми чиқаришни сўрашган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Ғ.Негматовнинг маърузасини, прокурор Э.Султанов ва фуқаровий даъвогар А.Усмоновларнинг келтирилган шикоятни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгариш қолдириш ҳақидаги фикрларини, судланувчи Т.Т. ва унинг ҳимоячилари - адвокат З.Зубайдуллаева, Ш.Музаффаров, Х.Асанов, О.Каландаровлар, судланувчи М.Б. ва унинг ҳимоячиси - адвокат А.Исақов, судланувчи Х.Б.нинг ҳимоячиси адвокат Б.Абдувоҳидовларнинг апелляция шикоятларини тўлиқ қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятларидаги келтирилган важларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Судлов ҳайъати, биринчи босқич суди томонидан Т.Т.нинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, М.Б. ва Х.Б.ларнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 1-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати апелляция шикоятларидаги ишга алоқадор шахслар сўроқ қилинмаганлиги ва уларнинг ҳаракатларига тегишли баҳо берилмаганлиги ҳақидаги вазлар билан келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Чунки, мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда ҳамда Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 1-бандидаги “ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, ҳар бир жиноят иши бўйича иш юритиш жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт”лиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда юритилиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни, шу жумладан судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, “Микрокредитбанк” АТБ Булунғур филиали ўтказилган текшириш ва хизмат текшируви ҳулосалари, далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар, кредит йўғма жилдлари ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилган.

Шунингдек, судлов ҳайъати Т.Т. ва унинг ҳимоячиси З.Зубайдуллаеваларнинг шикоятларидаги унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан асоссиз айб эълон қилинганлиги, унинг ҳаракатида ўзганинг мол-мулкани растрата қилиш йўли билан ўзлаштириш жиноятлари аломатлари мавжуд эмаслиги, бундан ташқари Ф.Хушбақов, М.Б. ва уларнинг ҳимоячиларининг шикоятларидаги уларнинг жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 1-қисмидан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиш ҳақидаги вазлари:

Шикоятдаги, Д.Эшбоевнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноий аломатлари йўқлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, жиноят ишини янгитдан кўриш ҳақидаги вазлари:

- гувоҳ Сорибоев Шавкат Юлдашевичнинг дастлабки тергов ва суддаги, ҳақиқатдан ҳам у 2015 йил март ойида аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яъни уруғлик картошка, пиёз, сабзи, лавлаги уруғлари ва парранда, яъни “броллер” товукларини кредит маблағлари асосида етказиб бериш учун “Булунғур Янгиобод Савдо” МЧЖ агрофирмасини очиб, давлат рўйхатида ўтказиб фаолият юритганлиги, у 2015 йил март-апрель ойларида “Булунғур Янгиобод Савдо” агрофирмасига “Микрокредитбанк” АТБ Булунғур филиалидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун йиллик 9% устама тўлаш шarti билан 84.987.213 сўм миқдорида имтиёзли кредит олганлиги, шундан сўнг 2015 йил июнь ойининг бошларида 7.000.000 сўм кредит фоизларини тўлаганлиги, 2016 йил январь ойининг охирида у ўз ишлари билан Наманган вилоятига кетган вақтида, яшаш уйига банк бошқарувчиси Т.Турдимуротов келиб, унга қўнғироқ қилиб, текширувчилар келаётганлиги сабабли ундан агрофирмасига тегишли муҳрларни беришини сўраганлиги, сўнг оила аъзолари муҳрларни Т.Турдимуротовга бериб юборишганлиги, орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг Ў.Беккулов унга қўнғироқ қилиб, “ака сизнинг ҳисоб рақамингиздан менинг ҳисоб рақамимга 116.000.000 сўм пул келиб тушди” деб айтганлигини, шундан сўнг у ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида “Микрокредитбанк” АТБ Булунғур филиали бошқарувчиси Т.Турдимуротовнинг олдида борганида, Т.Турдимуротов унга “ака ҳеч кимга ҳеч қандай пул тушгани йўқ” деб жавоб берганлигини, у 2016 йил 31 март куни “Микрокредитбанк” АТБ Булунғур филиали томонидан унинг агрофирмасига ажратилган кредитдан хабари йўқлигини, орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг унинг яшаш уйига банк юристи А.Умонов келиб, кредит қарздорликларини тўлашини айтганида, 2016 йил 31 март куни унга кредит ажратилганлигини билганлигини, у 2016 йил 31 март куни “Микрокредитбанк” АТБ Булунғур филиалига кредит ажратиш бўйича мурожаат қилмаганлигини, у 2015 йилда олинган кредит маблағларининг 43.000.000 сўмини тўлаганлигини, ўша вақтда уч томонлама шартнома асосида фуқароларга картошка уруғи ва парранда маҳсулотларини етказиб берганлигини, аммо ундан картошка уруғи ва парранда маҳсулотларини олган фуқаролар маҳсулот пулларини ўз вақтида тўлай олишмаганлиги сабабли кредит маблағларини ўз вақтида тўлай олмаганлиги ҳақидаги;

- гувоҳ Б.Нарбаевнинг суддаги, у ЖИБ Булунғур туман судининг ажримига асосан “Микрокредитбанк” АТБ Булунғур туман филиалида хизмат текшируви ўтказганлигини, ўтказилган хизмат текшируви натижаларига кўра, 2015 йилда Булунғур туманида фаолият юритаётган “Серқуёш Навоий мевалари” МЧЖга 94.632.213 сўм, “Булунғур Жонхуроз барака” МЧЖга 68.915.125 сўм, “Булунғур Янгиобод савдо” МЧЖга 84.987.213 сўм ва “Булунғур Барака савдо” МЧЖга 61.007.213 сўм миқдорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 1 йил муддатга имтиёзли 9 фоизли кредит суммалари ажратилганлигини, лекин “Микрокредитбанк” АТБ Булунғур туман филиали собиқ мансабдор шахслари томонидан 2016 йил 31 март ҳолатига ушбу кредит маблағлари умуман ёки қисман қопланмаганлигини билганлари ҳолда, “Серқуёш Навоий мевалари” МЧЖга 49.150.763 сўм, “Булунғур Жонхуроз барака” МЧЖга 34.100.000 сўм, “Булунғур Янгиобод савдо” МЧЖга 116.000.000 сўм, “Булунғур Барака савдо” МЧЖга 30659574 сўм миқдорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 1 йил муддатга имтиёзли 9 фоизли кредит ажратишганлигини, судланувчи Х.Б. ички назорат қоидаларига кўра, шубҳали ва гумонли операциялар аниқланган тақдирда, бундай операциялар ҳақида ўз раҳбарига ёки ички назорат ходимига ёзма равишда хабар бериши керак бўлганлигини, Х.Б. юқорида номлари кўрсатилган агрофирмалар томонидан тўлов топшириқномалари тақдим этилмаган бўлса-да, кредит маблағларини асоссиз равишда ўтказиб берганлигини, ўша вақтда Турдимуротов Тоир Саидович “Микрокредитбанк” АТБ Булунғур туман филиали бошқарувчиси вазифасини вақтинчалик бажарганлиги ва ушбу ажратилган кредитларнинг ажратилишига шахсан биринчи имзо қўйиш ваколати

Турдимуротов Тоир Саидовичда бўлганлиги ва банкнинг барча операцияларига шахсан жавобгар бўлганлиги, агар унинг топшириғига асосан кредит ажратилмаган бўлса, иш куни тугаши билан барча якуний ҳисобларни текшириб, ноқонуний ўтказилган кредитни қайтариш чорасини кўриши ва бу ҳақда юқори турувчи раҳбарига хабар бериши лозим бўлганлигини, лекин Т.Т. бундай қилмаганлигини, унинг ушбу ноқонуний кредит ажратилганлигидан хабари бўлганлигини ҳақидаги;

- судда сўралган фуқаровий даъвогар А.Усмонов, гувоҳлар Э.Ачилов, А.Қудратов, Ш.Қораев, Т.Муминов, Г.Усмоновларнинг кўрсатувлари, жиноят ишидаги текширув далолатномалари, хулосалар, маълумотномалар, уларга илова қилинган ҳужжатлар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан инкор этилади.

Судлов ҳайъати, Т.Т., Б.М. ва Х.Б.ларнинг мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов ва биринчи босқич суди томонидан “Микрокредитбанк” АТБ Булунғур туман филиали ходими У.Бекбўтаев ва бошқарув ходими А.Садиновларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги тўғрисидаги важларини муҳокома қилиб, Булунғур туман прокуратураси терговчиси Т.Н.Муминовнинг 2019 йил 28 августдаги қарорига асосан тегишли тергов ҳаракатлари натижаси билан билан У.Бекбўтаев ва А.Садиновларга нисбатан жиноят ишининг бир қисми ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатилганлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати, биринчи босқич суди томонидан судланувчилар Т.Т., Ф.Хушбақов ва М.Б.ларга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчиларнинг шахсларини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, етказилган зарарлар тўлиқ қопланмаганлигини, жамиятдан ажратилмаган ҳолда ахлоқан тузалиш имконияти мавжуд эмас деган асосли хулосага келиб, уларга нисбатан қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шунингдек, уларни мансаб мавқеи ва хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олган ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўшимча тайинлаб, адолатли, тўғри ва асосли тўхтамга келган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати, иш ҳужжатларига кўра, мазкур жиноят бўйича етказилган 229.910.337 сўм зарарнинг дастлабки тергов даврида 34.000.000 сўми ва суд даврида 65.300.000 сўм миқдори тўланганлигини инобатга олиб, ушбу зарар қисман қопланиб, қопланмаган 130.610.337 сўм жуда кўп миқдорни ташкил этишини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати, шикоятлардаги важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суд ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган апелляция тартибидаги шикоятларни қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹³ ва 497¹⁸-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати;

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг 2019 йил 7 октябрдаги чиқарилган ҳукмнинг Т.Т., М.Б. ва Х.Б. ларга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, судланувчилар Х.Б. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Б.Абдувоҳидов, Б.М. ва унинг ҳимоячиси - адвокат А.Исақов, Т.Т. ва унинг ҳимоячиси - адвокат З.Зубайдуллаевалар томонидан келтирилган апелляция шикоятлари қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи	(имзо)	Б.Алиқулов
Ҳайъат судьялари	(имзо)	М.Тухтаев
	(имзо)	Ғ.Негматов

Аслига тўғри: